2018 ЙИЛ 9 НОЯБРЬ, ЖУМА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 211 (13.808)

Баҳоси эркин нархда

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ДЕПУТАТЛАР ЖАМИЯТ РИВОЖИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИГАН МАСАЛАЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚДИЛАР

2018 йил 8 ноябрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда депутатлар мамлакат ҳаётининг турли соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашга қаратилган бир қатор қонун лойиҳаларини кўриб чиқдилар.

Мажлис кун тартибига киритилган барча масалалар сиёсий партияларнинг парламент қуйи палатасидаги фракциялари ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутатлар гуруҳи йиғилишларида дастлабки тарзда муҳокама қилинган эди.

Мажлисда депутатлар ишни "Уруғчилик тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси муҳокамасидан бошладилар. Қайд этилганидек, ушбу қонун лойиҳаси мамлакатимиз Президентининг 2018 йил 27 апрелда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида уруғчилик тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида мазкур соҳани ривожлантириш, сифатли ва ҳосилдор маҳсулотлар уруғларини етиштириш ишларини кенгайтириш, уларни халқаро бозорларда илгари суришнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш юзасидан ишлаб чиқилган. У уруғчилик соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш механизмини такомиллаштириш ҳамда уруғлик экспорти учун қулай шарт-шароитлар яратишни ҳам кўзда тутади.

Депутатларнинг фикрича, мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши қишлоқ хўжалигида уруғчиликнинг нормативҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш, соҳага замонавий инновацион лойиҳаларни жорий этиш, уруғлик генофондини сақлаш, уруғлик етиштирадиган ва уни қайта ишлайдиган корхоналар тармоғининг самарадорлигини янада ошириш, уруғларни реализация қилиш ҳамда экспорт кўламини кенгайтиришга хизмат қилади.

Шундан сўнг депутатлар "Ўзбекистон Республикасининг Консуллик уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар. Ҳозирда амал қилиб турган мамлакатимизнинг хорижий давлатлардаги консуллик муассасалари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини белгилаб берувчи асосий ҳужжат – Ўзбекистон Республикаси Консуллик устави 22 йил муқаддам, 1996 йил 29 августда қабул қилинган қонун билан тасдиқланган. Ўтган давр мобайнида миллий қонунчиликка киритилган ўзгартишлар, шунингдек, ҳозирги кунда шаклланган амалиёт, хорижий тажриба ва халқаро ҳуқуқ нормаларини инобатга олган ҳолда, даврнинг ўзи мазкур ҳужжат такомиллаштирилишини тақозо этмоқда. Шу муносабат билан парламент қуйи палатаси томонидан Ўзбекистон Республикасининг Консуллик устави янги таҳрирда тайёрланди ва унда консуллик фаолиятини амалга оширишнинг, консуллик мансабдор шахслари ўз вақтида ҳар томонлама консуллик-ҳуқуқий ва бошқа ёрдам кўрсатиш орқали чет элдаги фуқароларимиз ҳамда юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича функцияларининг ҳуқуқий-ташкилий асослари белгилаб берилмоқда. Унда консуллик муассасалари ҳуқуқий мақоми ва тоифаларининг аниқ ифодаланган ушбу муассасаларнинг ўз зиммасига юклатилган вазифаларни тўлиқ бажаришига, консуллик мансабдор шахслар фаолияти самарадорлигини таъминлаш, масъулиятини ҳамда ишлаб чиқилаётган ҳужжатлар сифатини оширишга, пировардида мамлакатимиз манфаатларини, фуқароларимиз ва юридик шахслар ҳуқуқларини ишончли муҳофазалашга эришишга хизмат қилади.

Шундан сўнг қуйи палата депутатлари томонидан қонунчилик ташаббуси асосида киритилган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилди.

Қайд этилишича, озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича Европа агентлиги (EFSA) таҳлилларига кўра, 18-29 ёшда бўлган йигит ва қизларнинг 70 фоизи энергетик ичимликларни алкоголь маҳсулотига қўшиб ичиши маълум бўлди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, бу ичкиликбозлик алкоголнинг ўзидан зараланишдан кўра анча хавфлироқ. Олинган хулосаларга кўра, энергетик ичимликларни доимий равишда истеъмол қилиш вояга етмаганларда юрак хуружлари кучайишига, кўриш қобилияти сусайиши ва ақлий нуқсонлар юзага келишига сабаб бўлади.

Депутатларнинг фикрича, таклиф қилинаётган қонун лойиҳасининг қабул қилиниши амалдаги қонун ҳужжатларидаги мавжуд бўшлиқни тўлдириш билан бирга, қувват берувчи ичимликларни реклама ва реализация қилиш ишлари устидан самарали назорат ўрнатиш механизмларини қўллашга кўмаклашади.

Шундан сўнг депутатлар Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 12 апрелдаги "Жамоатчилик назорати тўғрисида"ги қонунини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар режаси ижроси юзасидан "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимча киритиш тўғрисида"ги қонуни лойиҳаси муҳокамасига киришдилар.

(Давоми 2-бетда)

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Фармон ва ижро

ХОТИН-ҚИЗЛАР ФАОЛЛИГИ ТАРАҚҚИЁТ УЧУН МУҲИМ

Пойтахтимиздаги "International Hotel Tashkent" меҳмонхонасида "Мамлакатнинг демократик янгиланиши ҳамда модернизациясида аёлларнинг роли: Ўзбекистон тажрибаси ва халқаро амалиёт" мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 2 февралдаги "Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ижроси доирасида ташкил этилган мазкур тадбирда маҳаллий ва дунёнинг 30 га яқин давлатидан ташриф буюрган халқаро аёллар институтлари вакиллари, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётда фаол бўлган аёллар иштирок этди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раиси ўринбосари С. Ортиқова, БМТ Бош котибининг махсус вакили, Марказий Осиёда превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази раҳбари Н.Герман, БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги доимий вакили Х.Фрейзер, Афғонистон хотин-қизлар масалалари бўйича вазири Д. Назарий, Қозоғистон Республикаси Президенти қошидаги Аёллар ва оила масалалари бўйича Миллий комиссия аъзоси А.Хайрулина, Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири Ш. Кудбиев, Озарбайжон Республикаси оила, аёллар ва болалар масалалари бўйича Давлат қўмитаси раиси ўринбосари С.Гаҳраманова, "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази директори Д.Тошмуҳамедова, Бутунхитой хотин-қизлар федерацияси Департаменти раиси Ч.Сяося, Прага Фуқаролик жамияти маркази директори Г.Сваровска, Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари Э.Боситхонова, "Белоруссия Аёллар Иттифоқи" бошланғич ташкилоти раиси О.Петрашова ва бошқалар сўзга чиқди.

Кун давомида ўтказилган конференция ишида "Давлат бошқарувида аёлларнинг роли ва имкониятларини кенгайтириш ҳамда гендер тенглигини таъминлашнинг аҳамияти", "Аёллар бандлиги ва тадбиркорлигини ривожлантириш: – Оила мустаҳкамлигининг гарови", "Аёлларни ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда аёллар саломатлигини қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш" мавзуларида маърузалар қилинди.

Иштирокчилар Марказий Осиё жумладан, Ўзбекистонда хотин-қизлар гендер тенглиги масаласи давлатлараро сиёсий муҳим аҳамият касб этиб, бу уларнинг давлат бошқарувидаги мавқеи ва ўрнини мустаҳкам эгаллашида ҳамда аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, турли соҳа ва тармоқларда иштирокини таъминлаш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, оналик ва болаликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда муҳим эканлигини таъкидлади.

(Давоми 2-бетда)

ДАСТУРИЙ МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ РИВОЖЛАНМОҚДА

Инновацион технологияларни яратиш ва ҳаётга татбиқ этиш мамлакатимиз иқтисодиётини барқарор ва жадал ривожлантиришнинг муҳим шартларидан биридир.

Мамлакатимизда иқтисодиётнинг реал секторига ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда дастурий таъминот воситаларини кенг жорий қилиш учун шароит яратиш, ахборот тизимлари ва маълумотлар базалари комплексини ишлаб чиқиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 5 июндаги "Тошкент шаҳрининг Яшнобод туманида инновация технопаркини ташкил қилиш тўғрисида"ги фармони асосида ташкил этилган "Яшнобод" инновацион технопарки ўтган давр мобайнида дастурий таъминот воситаларини жорий этиш, стартаплар ва уларнинг фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда муҳим роль ўйнамоқда.

Технопаркда Япония, Корея Республикаси, Тайвань, Исроил каби давлатларнинг иш тажрибалари ўрганилиб, ишлаб чиқаришга инновацион технологиялар киритилди.

– Бу каби инновацион технопаркларнинг фаолиятидан кўзланган мақсад ҳам маҳаллий олим ва ихтирочиларнинг илмий имкониятини юзага чиқаришдир, – дейди технопарк ДУК директори Фарҳод Жумаев. – Шундагина хорижлик мутахассисларга эҳтиёж қолмайди. Айтиш жоизки, замонавий ноу-хаулар маҳаллий ишлаб чиқаришга татбиқ этилади. Бу эса юртимиздаги корхоналарнинг жаҳон рақобат майдонидаги нуфузининг янада ортишини таъминлайди,

Ф.Жумаевнинг таъкидлашича, "Яшнобод" инновацион технопарки дирекцияси" давлат унитар корхонаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 11 сентябрдаги "Инновацион фаолиятни янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги қарорига кўра, Тошкент шаҳар ҳокимлиги тасарруфидан чиқарилиб, Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги тузилмасига ўтказилган ва бу ерда технопарк қатнашчиси мақоми 10 йилга танлов асосида берилиб, уларга бир қатор имтиёз ва афзалликлар йўлга қўйилган. Жумладан, ер солиғи, даромад солиғи, юридик шахсларнинг мулк солиғи, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ҳамда давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалардан озод этилади. Шунингдек, уларга ўз ишлаб чиқариш ва қурилиш эҳтиёжлари учун четдан келтириладиган ускуна, хомашё, реактив ва бутловчи маҳсулотлар учун божхона тўловларида имтиёзлар берилади.

"Яшнобод" технопарки маъмурияти ва резидентлари онлайн-касса аппаратлари, нафақат накд ва накд пулсиз кўринишдаги касса ҳисоб-китобини амалга оширади, балки бир вақтнинг ўзида мазкур амаллар ҳақида солиқ органларига хабар жўнатади, коммунал хизматлар учун ҳақ тўлайди, ҳисобни тўлдиради ва бошқа операцияларни ҳам бажаради.

Технопарк мутахассисларининг айтишича, ҳозир "Яшнобод" инновация технопарки резиденти мақомини олиш учун кўп функцияли онлайн касса аппаратларини ишлаб чиқарувчи "My Air Group" масъулияти чекланган жамияти ва 3D принтерлар ишлаб чиқарувчи "Greencode" масъулияти чекланган жамияти ташаббускорларига резидентлик мақомини белгиловчи тегишли гувоҳномалар топширилган.

– Бугунги кунда мамлакатимизда ҳам дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқариш тармоғи жадал ривожланмоқда, – дейди "Greencode" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Нурмат Худанов. – Биз технопаркда кўп соҳалар учун зарур бўлган бионик протезлар ясашга мўлжалланган 3D принтерлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйганмиз. Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкидан 100 миллион сўм кредит олдик ва асбоб-ускуналар, хомашёлар сотиб олишга йўналтирдик. 4 нафар ходим ишлайдиган кичик корхонамиз маҳсулотлари ҳозирча мамлакатимиз ички бозорига мўлжалланган, лекин кейинчалик чет давлатларга ҳам экспорт қилишни режалаштирганмиз. Бугунги кунда 3D принтерларига қўшни Қозоғистон ва Тожикистон давлатлари вакиллари томонидан катта қизиқиш билдирилмоқда.

Айни пайтда мазкур технопаркда биотехнология, фармацевтика, электр манбаини тежаш, электрон асбоб-ускуналар ва робототехника, машинасозлик, кимёвий технологиялар, муқобил энергия манбалари ва электрон ўлчов асбоблари, материалшунослик ва металларни қайта ишлаш технологияси сингари корхоналар фаолият юритмоқда. Уларнинг маҳаллий илмий ишланмалар ва инновацион ғояларни амалга ошириш ва оммалаштириши учун барча шарт-шароит яратилган.

Даврон СУННАТОВ,
ЎзА мухбири

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Жиззах вилоятида агрокластер усулида ишлаётган "SilverLeaf – BMB agro trade group" Ўзбекистон – АҚШ қўшма корхонасида хорижлик ҳамкорлар иштирокида кўргазмали семинар ташкил этилди. Тадбирда иштирокчилар қўшма корхона таркибидаги машина-трактор паркига АҚШнинг "John Deele" компаниясидан келтирилган янги тракторлар ва бошқа техника ҳамда жиҳозлар билан танишди.

● Андижон шаҳридаги "Мустақиллик" маҳалласида тикувчилик мажмуаси иш бошлади. "Андижон пахта терминали" масъулияти чекланган жамияти молиявий кўмаги билан барпо этилган тикувчилик мажмуасига Хитойдан умумий қиймати 1 миллиард сўмлик замонавий тикув дастгоҳлари келтириб ўрнатилди ва айни кунда корхонада 50 нафардан зиёд хотин-қиз меҳнат қилмоқда.

● Гулистон тиббиёт коллежида "Тинчлик ва тотувлик – олий қадрият" деб номланган маданий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Унда вилоят ички ишлар бошқармаси, Гулистон шаҳридаги "Исо ўғли Мусо" жомеъ масжиди вакиллари ва бошқа мутахассисларнинг маърифат, диний бағрикенглик, огоҳлик, ёт ғояларга эргашмаслик борасидаги маърузалари тингланди. Тадбир доирасида ёшларни огоҳликка чорловчи "Икки тақдир" номли қисқа метражли фильм намойиш этилди.

● Навоий вилояти Конимех туманида "Konimextex" масъулияти чекланган жамияти фаолият бошлади. Замонавий хорижий технология ва тикув машиналари билан жиҳозланган янги корхонада 100 га яқин хотин-қиз махсус курсларда ўқитилиб, ишга қабул қилинди.

ЖАҲОНДА

● Перунинг Пуна шаҳрида денгиз сатҳидан 3800 метр баландликдаги тоғ йўлида катта тезликда ҳаракатланаётган юк машинасининг йўловчи автобусига келиб урилиши натижасида 18 нафар йўловчи ҳалок бўлди, 37 киши жароҳатланиб, яқин атрофдаги касалхоналарга ётқизилди.

● Франциянинг Марсель шаҳрида иккита турар жой биносининг қулаб тушиши ва биттасининг қисман шикастланиши натижасида 6 киши ҳалок бўлди, 10 нафар одам бедарак йўқолди. Ҳозир бу ерда 80 нафар қутқарувчи, 100 дан ортиқ полициячилар ва махсус ўргатилган итлар томонидан қидирув-қутқарув ишлари олиб борилмоқда. Ушбу ҳодисага кучли шамол ва тинимсиз ёққан ёмғир сабаб бўлган.

● Кеча АҚШда қора кийим кийган номаълум кимсанинг кафелардан бирига кириб бу ерда ўтказилаётган талабалар кечаси иштирокчиларига қарата отишма уюштириши натижасида 12 киши, жумладан муҳофаза ҳаракатлари чоғида унинг ўзи ҳам ҳалок бўлди. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи хизматлар ходимлари томонидан ушбу ҳодиса теракт сифатида баҳоланмоқда. Ҳозирча жиноятчининг шахси аниқланмаган.

ДЕПУТАТЛАР ЖАМИЯТ РИВОЖИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИГАН МАСАЛАЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚДИЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда)

Йиғилишда қайд этилганидек, жамоатчилик назорати жамоатчилик кенгашлари, комиссиялари ва бошқа жамоатчилик ташкилий тузилмалари томонидан ҳам қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади. Депутатлар фикрича, таклиллар "Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида"ги, "Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида"ги, "Радиациявий хавфсизлик тўғрисида"ги, "Психиатрия ёрдами тўғрисида"ги ҳамда "Ўрмон тўғрисида"ги қонунларнинг нормалари жамоатчилик назорати субъектлари доирасини чеклаб қўяётганини кўрсатмоқда. Кўрилаётган қонун лойиҳаси билан қонун ҳужжатлари нормалари ўртасидаги номувофиқликни бартараф этиш мақсадида юқорида келтирилган қонунларга тегишли ўзгартишлар киритиш таклиф этилмоқда.

Мажлисда муҳокама этилган яна бир ҳужжат – "Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси бўлди. Мазкур лойиҳа Президентимизнинг 2018 йил 28 мартдаги "Ўсимликлар карантини бўйича давлат хизмати фаолиятининг самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорининг 17-бандида белгиланган топшириққа асосан ишлаб чиқилган. Унга биноан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 107-моддасига карантин эълон қилинган зараркунандаларга, ўсимликлар касалликларига ва бегона ўтларга қарши курашнинг санитария қоидаларини ва бошқа хил қоидаларни бузиш – фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса, уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солиш таклифи киритилмоқда. Кодекснинг 108-моддасига эса чет мамлакатлардан келтирилиб, карантин текширувидан ва тегишли ишлов беришдан ўтказилмаган материалларни ташиб чиқиб кетиш – фуқароларга энг кам иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса, беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солиш таклифи киритилмоқда. Шунингдек, худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилса, ҳуқуқбузарлик ашёларини мусодара қилиб, фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан етти бараваригача, мансабдор шахсларга эса, етти бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солиш бўйича қўшимча киритиш назарда тутилмоқда.

Депутатлар ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши белгиланган нормаларга риоя этилиши устидан давлат назоратини кучайтириш, ўсимликларнинг карантини бўйича чора-тадбирларни тизимли амалга ошириш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича чоралар кўриш, ўсимликлар карантини ва фитосанитария талаблари бажарилишини тўлиқ таъминлашга ёрдам беради.

Мажлисда, шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Матбуот хизмати

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсати соҳасининг ҳуқуқий асосларига бағишланган давра суҳбати ўтказди.

ЯНГИ ТАҲРИРДАГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ ТАЛАБАЛАР ЭЪТИБОРИДА

Депутатлар, қонун лойиҳалари бўйича ишчи гуруҳ аъзолари, Ташқи ишлар вазирлиги масъул ходимлари, экспертлар, талабалар иштирок этган тадбирда асосий эътибор янги таҳрирдаги "Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида"ги ҳамда "Ўзбекистон Республикасининг Консуллик уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаларининг кенг жамоатчилик муҳокамасига қаратилди.

Тадбирда депутатлар мазкур ҳужжатларнинг қабул қилиниши мамлакатимизнинг миллий манфаатларини ҳимоя қилиш, халқаро шартнома ва келишувларнинг самарали ижросини таъминлашга хизмат қилишини таъкидлади.

"Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида"ги қонунининг янги таҳририда халқаро шартномаларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий тизимидаги ўрни ва моҳияти белгиланган билан аҳамиятлидир. Унга кўра, мамлакатнинг халқаро битимлари давлат ҳуқуқий тизимининг ажралмас қисми ҳисобланади. Ҳужжатда Ташқи ишлар вазирлиги томонидан халқаро шартномаларнинг бажарилиши бўйича мониторинг олиб бориш механизми кенгайтирилган. Бу қоида давлат органларининг халқаро шартномалар соҳасидаги ишини мувофиқлаштириш бўйича мамлакат ташқи сиёсий идораси фаолияти самарадорлигини янада ошириш имконини беради.

Давра суҳбатида мутахассислар томонидан ёшларга Консуллик устави лойиҳасига киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар хусусида маълумот берилди.

– Мазкур ҳужжат хориж давлатларида юрган мамлакатимиз фуқаролари ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилади, – дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раиси Аваз Жалилов. – Бундан ташқари, мамлакатимизнинг хорижий давлатлар билан савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, маданий ва бошқа алоқаларини кенгайтиришга хизмат қилади. Қонун лойиҳасида мамлакатимиз фуқароларининг паспорти ва бошқа ҳужжатлари йўқолган ёки муддати ўтган тақдирда юртимизга қайтиши учун гувоҳнома бериш ҳамда яшаши учун зарурий ёрдам кўрсатиш масалалари ҳам кўзда тутилган.

Тадбирда талабалар томонидан мавзуларга доир таклиф ва фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Абдулазиз МУСАЕВ, ЎзА мухбири

ХОТИН-ҚИЗЛАР ФАОЛЛИГИ ТАРАҚҚИЁТ УЧУН МУҲИМ

(Давоми. Боши 1-бетда)

– Ушбу халқаро анжуман мамлакатимизда хотин-қизларни моддий ва маънавий рағбатлантириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш йўлида амалга оширилаётган ислоҳотларга ҳамоҳанглиги билан ҳам эътиборга молиқдир, – дейди Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси ўринбосари Гулнора Маруфова. – Бундан кўзланган асосий мақсад халқаро ҳамжамиятни Ўзбекистон аёлларининг жамият ва давлат бошқарувидаги мавқеи, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий йўналишлардаги фаол иштироки билан таништириш, ўз навбатида, халқаро тажрибани ўрганиш ва амалиётга татбиқ этишдан иборатдир. Бу конференция нафақат юртимиз аёллари, балки дунё мамлакатлари хотин-қизларининг ҳаётида ҳам муҳим аҳамият касб этади.

ЎзА олган суратлар

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки бугунги кунда мамлакатимизда хотин-қизларнинг барча соҳалар бўйича фаол иштироки таъминланмоқда. Улар орасида 17 нафар сенатор, 15 нафар Қонунчилик палатаси депутати, 15 нафар Ўзбекистон Қаҳрамони, 6 нафар академик, 514 нафар фан доктори борлигининг ўзи мамлакатимизда аёллар нуфузининг нечоғлик баланд эканлигидан далолат беради.

Шунингдек, маҳаллий Кенгаш депутатларининг 23 фоизи, фан, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва санъат соҳаларида фаолият олиб бораётганларнинг 72 фоизи аёллардир. 8,5 мингдан зиёд аёллар маҳаллаларда турли лавозимларда ишлайди. 285 нафар қизлар эса Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори ҳисобланади.

Бугунги кунда юртимизда хотин-қизлар фаоллигини ошириш, уларнинг ўз соҳаларида қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқариш учун кенг кўламли ишлар изчиллик билан олиб борилмоқда.

Бунга Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг халқаро миқёсда ўрнатган ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик алоқалари ҳам яққол мисол бўла олади. Айни дамда қўмита аёллари Россия, Хитой, Германия, Озарбайжон, Қозоғистон, Туркманистон каби давлатлар билан ўзаро дўстона ҳамкорлик алоқаларини яхши йўлга қўйган.

– Бу конференция дунё хотин-қизлари учун ҳам муҳим аҳамият касб этади, – дейди Белорусь Республикаси Миллий Ассамблеяси Вакиллар Палатасининг халқаро масалалар бўйича доимий комиссияси аъзоси, "Белоруссия Аёллар Иттифоқи" ташкилоти раиси Ольга Петрашова. – Мен бу тадбирда "Парламентда фаолият юритаётган аёлларнинг ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётдаги роли: Белоруссия тажрибаси" мавзуида маъруза қилдим. Аёл, ҳар бир миллатнинг узвий давомчиси ҳисобланади. Шундай экан уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, моддий ва маънавий рағбатлантириш, имкониятлар яратиб бериш, иқтидорларини шакллантириш зарур ва шарт. Зеро, аёл жамиятнинг асосий устуни ҳамдир. Ўзбекистонда ўтказилган бугунги тадбир манфаатли алоқаларни янада мустаҳкамлаш, ўзаро тажрибаларни ўрганишга кенг имкониятлар очиб берди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Танзила Норбоева сўзга чиқди.

Конференция иштирокчилари 8 ноябрь куни Самарқанд шаҳрига ташриф буюрди. Қадим ва навқирон шаҳарнинг кўҳна обидалари, диққатга сазовор жойларини томоша қилдилар. Конференция иши эзгулик ва яхшиликка хизмат қиладиган ғоя, мақсад, режа, таклиф ва бир олам таассуротлар билан ниҳоясига етди.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

Ҳаммамизга аён пойтахтимизда жуда катта қурилиш ва бунёдкорлик ишлари кетмоқда. Бўлаётган ўзгариш ва янгиликларни кўриб, кузата туриб, ҳар биримизнинг қалбимиздан "Тошкентимиз кун сайин гўзаллашиб, замонавий шаҳарга айланиб бормоқда", деган ажиб бир ҳис ўтади. Албатта, азим шаҳримизда қилинаётган салмоқли ишлар таъбир жоиз бўлса кишини ғурурлантиради.

ПОЙТАХТИМИЗ ТРАНСПОРТ ТИЗИМИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Шу йил бошидан пойтахтимизнинг қоқ марказида "Tashkent City" шаҳар ичида дунё стандартлари даражасида ҳар томонлама мукаммал ва ноёб кўринишдаги бинолардан ташкил топган шаҳарча қурилиши бошланди. Бундан ташқари, шаҳримизнинг кўплаб туманларида ноёб меъморий ечимга эга бўлган ижтимоий объектлар қурилмоқда, хуллас шаҳримизда олиб борилаётган кенг кўламдаги ишлар, янгиликлар чет эллик сайёҳларнинг пойтахтимизга бўлган қизиқишини оширмоқда.

Тошкентимизга келадиган меҳмонларнинг сони кескин ортиши уларга ва шаҳримиз аҳолисига қулай транспорт ечимини яратишни талаб этади. Бунга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мисол учун, бугунги кунда Тошкент шаҳрининг учта ҳудудида ер ости ва ер усти метро қурилиши ишлари қизғин олиб борилмоқда. Темирйўлчи кўприксозлар томонидан бунёд этилаётган узунлиги 7,1 километрга тенг бўлган Сергели линияси 2020 йилга қадар фойдаланишга топширилиши кўзда тутилган. Шунингдек, "Дўстлик" бекатидан "Қўйлиқ" бозоригача бўлган 7 та бекатдан иборат қисмида ҳам қизғин иш кетмоқда. Метронинг ер устидаги ушбу қисми 2019 йилда фойдаланишга топширилиши режалаштирилган. Кейинчалик, метро линияси "Олмазор", "Беруний", "Бодомзор" ҳамда "Тузель" бекатлари орқали яна "Дўстлик" бекатига туташтирилиб, яхлит метро ҳалқаси юзага келади.

Яна бир янги лойиҳа Москванинг "РТО" масъулияти чекланган жамияти томонидан тақдим этилмоқда. Яъни аэропортдан "Tashkent City"гача осма вагонлар қатновини йўлга қўйиш лойиҳаси. Ўзбекистон ва Россия ўртасида илк бор ўтказилган ҳудудлараро ҳамкорлик форумига ташриф буюрган мутахассислар ана шундай таклифни билдиришган.

Рус техника уюшмаси мутахассислари томонидан тайёрланган жамоат транспортининг мазкур янгича кўриниши ишланмаси аэропортлар ва шаҳар атрофларини шаҳар транспорт инфратузилмаси билан боғлашни назарда тутади. Бинобарин, йўловчиларни, айниқса, тиғиз йўналишларда ўз вақтида манзилларига етказиб қўйиш жараёнларини енгиллаштиради. "Стрела" ЕТТ учун йўллардаги тирбандликларнинг таъсири йўқ. Сабаби у бундай ҳудудларнинг устидан ўтади. Демак, у йўл ҳаракатига халақит бермайди.

"Стрела" экологик жиҳатдан тозалиги, шовқин чиқармаслиги, шаҳарнинг зич жойлашган иморатлари ансамблига уйғунлашиб кета олиш каби афзалликларга эга. Бундан ташқари, у машинистсиз, яъни автоматик тарзда бошқарилади.

Уни барпо этиш учун трассадаги объектлар, жумладан, тураржойларни бузиш шарт эмас. Фақатгина таянчлар тагида ихчам участка бўлса кифоя. Экспертларнинг фикрича, бу тизим самарадорлиги, хавфсизлиги ва инвестициявий жозибадорлиги жиҳатидан жаҳонда мавжуд муқобиллари ҳамда бошқа транспорт ечимларидан афзал ҳисобланади.

Пойтахтимиз транспорт инфратузилмаси билан танишган россиялик мутахассислар аэропортдан айни пайтда барпо этилаётган "Tashkent City"гача бўлган йўналишни танлашди. Ўртадаги масофа олти километрга тенг. Самолётда Тошкент халқаро аэропортига қўнган йўловчилар терминалдан платформага ўтиб, ўша ердаги қулай осма вагонга чиқишади. Ўн дақиқа ўтар-ўтмас, бир нечта бекатлардан сўнг "Tashkent City" яқинидаги "Халқлар дўстлиги" метросида жойлашган сўнгги манзилга етиб келишади.

Мутахассисларнинг фикрича ушбу тизимни қуриш учун кўп вақт кетмайди. Унинг линиялари заводдан тайёр ҳолда чиқади. Жойларда фақат йиғиш ва монтаж ишлари бажарилади. Йўл ҳаракатини тўсмаган ҳолда, тунлари ишлаш мумкин. Яъни ҳайдовчилар учун ҳам, пиёдалар учун ҳам деярли ноқулайликлар туғдирмайди. Бир нечта платформани ҳисобга олмаганда, ўтиш йўлаклари, боғламалар ва бошқа инфратузилмаларни қуришга зарурат бўлмайди.

Келажакда ушбу лойиҳа амалга оширилса нафақат шаҳримиз аҳолиси ва меҳмонларига қулайлик яратади, балки пойтахтимиз чиройига ҳам чирой қўшади.

(Ўз мухбиримиз)

МАРКАЗЛАР ФАОЛИЯТИДА КАМЧИЛИКЛАР БОР

Парламент қуйи палатасининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари ҳузурида Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритиш марказларини ташкил этиш, бандлик ҳамда норасмий иш фаолияти билан боғлиқ муаммолар муҳокамасига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 июлдаги "Фермер хўжаликларида ҳисоб тизимини тубдан яхшилаш ва уларга банк хизматлари кўрсатишни такомиллаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорида туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари ҳузурида Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритиш марказларини ташкил этиш бўйича бир қатор вазифалар белгиланган эди.

Ушбу вазифалар ижросини таъминлаш ҳисоб тизимини тубдан яхшилаш, банк хизматлари кўрсатишни янада такомиллаштиришга ёрдам беради. Қайд этилишича, жойларда Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритиш марказлари ташкил этилган бўлиб, уларнинг сони ҳозирда 157 тага етди. Мазкур марказларга қарийб уч минг нафар бухгалтер ишга қабул қилинган.

Белгиланганидек, бундай марказлар томонидан фермер хўжаликларига бир қатор муҳим хизматлар кўрсатилади. Жумладан, улар зиммасига фермер хўжаликлари бўйича бухгалтерия ҳисоби юритилишини, фермер хўжаликлари ишчиларига иш ҳақи ва ундан мажбурий ажратмалар ҳисобланишини, мавсум якуни бўйича фермер хўжаликларининг асосий воситалари, товар-моддий захиралари, пул маблағлари, дебиторлик ва кредиторлик қарзларини инвентаризациядан ўтказишни таъминлаш юклатилади.

Солиқлар бўйича ҳисоб-китоблар, солиқ органлари билан қарздорлик бўйича солиштирма далолатномаларини тузиш ҳамда солиқ ва бошқа мажбурий тўловларнинг ўз вақтида тўланишини ташкил этиш, молиявий ва статистика ҳисоботларини қилиш ҳамда уларнинг тегишли органларга тақдим этилишини таъминлаш, фермер хўжалигининг йил якунига кўра даромадлари ва харажатларини таҳлил қилиб, кейинги йилга бизнес-режа тузишда амалий кўмаклашиш ҳам марказлар вазифаси сирасига киради. Бугунги кунда республика бўйича ташкил этилган мазкур марказлар томонидан 69 мингта пахта-ғалла ва ғаллачилик фермер хўжаликларига бепул консалтинг хизматлари кўрсатиб келинмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг мазкур қарорига биноан, ўтган вақт мобайнида Фарғона вилоятининг 15 ва Самарқанд вилоятининг 14 туманида Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритиш марказлари ташкил этилиб, белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилган.

Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритиш марказлари томонидан жойлардаги статистика бўлимлари маълумотлари, 2018 йилда пахта ҳамда ғалла етиштириш режасида қайд этилган фермер хўжаликлари сонига асосан штат жадваллари тузилган. Унга кўра, белгиланган тартибда ҳар 20-22 фермер хўжалигига бир нафардан, яъни Фарғона вилоятидаги пахтачилик-ғаллачиликка асосланган 4 минг 74 фермер хўжалигига 202 нафар, Самарқанд вилоятидаги 9 минг 648 фермер хўжалигига эса 449 нафар бухгалтер ишга қабул қилинган.

Шу билан бир қаторда, тадбирда бу борада айрим камчиликлар ҳам мавжудлиги, пахта-ғалла етиштириладиган фермер хўжаликларидан ташқари фаолият тўлиқ қамраб олинмагани алоҳида қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги мутахассисларининг таъкидлашича, фермер ва деҳқон хўжаликларида иш билан бандлик, шунингдек, норасмий иш фаолияти билан боғлиқ масалаларда ҳам муаммолар ва камчиликлар талайгина экани айтиб ўтилди. Ҳисоботларни юритиш учун фермер хўжаликларининг банкдаги ҳисобрақами айланмаларини назорат қилиб туриш бўйича уларнинг атиги 30 фоизида мобиль ва интернет банк тизими мавжуд, холос.

Тадбирда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритиш марказлари томонидан олиб борилаётган ишлар самарадорлигини ошириш мақсадида бир қатор ишларни амалга ошириш таклифи илгари сурилди. Хусусан, фермер хўжаликларига буюртмачи, таъминотчи ҳамда хизмат кўрсатувчи корхоналар билан ўзаро ягона электрон дастурий таъминотни яратиш, фермер хўжаликлари ва ушбу корхоналар ўртасида ҳужжатлар айланмаси жараёнида бириктирилган бухгалтерларнинг белгилари, яъни штамплари қўйилиши орқали рўйхатга олинишини ташкиллаштириш зарур.

Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритиш марказлари солиқ ва статистика ҳисоботлари бўйича маслаҳатчиси ҳамда бухгалтерларига хизмат кўрсатилаётган фермер хўжаликларининг банк ҳисобварақлари орқали амалга оширилаётган операциялари бўйича айланмалардан кўчирмалар олинишида, истисно тарифасида, ортиқча ҳужжатларсиз рухсат бериш мақсадга мувофиқлиги таъкидланди.

Бундан ташқари, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритиш марказлари бухгалтерларининг қонунда белгиланган тавсия ва талаблари фермер хўжаликлари томонидан бажарилмаган ҳолларда шаҳар ва туман Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари раҳбариятига тақдим этилган ёзма билдиришномалар орқали таъсир чоралари кўрилишида кенгаш раислари ваколатларини ошириш муҳим аҳамиятга эга экани қайд этилди.

Йиғилишда соҳадаги муаммоларни тўлиқ бартараф этиш юзасидан қатор таклифлар илгари сурилди.

Нурилло НАСРИЕВ

Фахрийлар – фахримиз

ТААССУРОТЛАРГА БОЙ САЁҲАТ

Бугунги турли ўзгаришлар юз бераётган жараёнларда бой тажрибага эга, ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотган, ўзининг умр йўли, доно маслаҳати билан ёшларимизга ибрат бўла оладиган нуронийларимизнинг ўрни сезиларли даражада ортиб бормоқда.

Ёшлар ўртасидаги ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, оилавий муаммоларни бартараф этиш, ёшлар тарбиясидаги ижобий ўзгаришларда нуроний кексаларимизнинг салмоқли ҳиссалари бор. Ҳамиша эл-юрт эъзоз-эҳтиромига сазовор бўлган нуронийларимизнинг ижтимоий фаолиятлари жамғарма томонидан муносиб рағбатлантириб борилмоқда. "Нуроний" жамғармаси Республика бошқаруви ҳузурида ташкил этилган "Фаол фахрий ижодкорлар", "Фаол фахрий санъаткорлар", "Фаол фахрий олимлар" ва "Фахрий мураббийлар" гуруҳларининг ташкил этилиши фикримизнинг ёрқин далилидир.

"Нуроний" жамғармаси Республика бошқаруви ташаббуси билан бир гуруҳ нуронийларнинг кўҳна Самарқанд шаҳрига зиёрати ташкил этилди. Зиёратга "Жўрабек" ЛТД қўшма корхонаси раҳбари, Тошкент вилояти халқ депутатлари кенгаши депутати Мунира Қориева ҳомийлик қилди. "Афросиёб" тез юрар поездида борилган саёҳат кўтаринки кайфият билан бошланди. Қизиқарли суҳбатларга бошқарув раиси ўринбосари, ташкилотчи Хайриниса Мирзажонованинг "Нуроний" фаолияти ҳақидаги маълумотлари уланиб кетди. "Нуроний" газетаси ҳамда "Кексалик гашти" журнали бош муҳаррири Олимжон Ўсаров газета ва журнал саҳифаларида чоп этилаётган мақолалар, биз ўз аждодларимизга муносиб ворислар бўлиш, тарихимизни чуқур ўрганишимиз кераклиги, фаол муаллифлар ҳамда келгусидаги режалар ҳақида мароқ билан сўзлади. Гуруҳдаги соҳир овоз соҳибаси, хонанда Мақсад Юнусованинг жонли ижродаги мумтоз қўшиқлари, Ўзбекистон Ёзувчилар ва Журналистлар ижодий уюшмалари аъзоси, шоир Искандар Раҳмон, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, шоира Умида Абдуазимовалларнинг Ватанни тараннум этувчи шеърлари янада хуш кайфият бағишлади.

Самарқанд шаҳрида Имом Ал-Бухорий, Ҳазрати Ҳизр зиёратгоҳига ташриф буюриб, Биринчи Президент Ислом Каримов хотирасига ўрнатилган ҳайкал пойига гулчамбарлар қўйилди. Зиёрат чоғида Самарқанд шаҳар "Нуронийлар маскани"га ҳам ташриф буюрилиб, у ердаги шарт-шароитлар билан яқиндан танишилди. "Нуроний" жамғармаси раиси Ҳасан Нормуродов ушбу маскан ҳар куни нуронийлар билан гавжум бўлиши, улар кунларини маскандаги қувват берувчи шифобахш чой ичишдан бошлаб, газеталарни мутолаа қилиб, янгиликлардан хабардор бўлишлари, кутубхонадаги бадиий адабиётларни ҳам биргаликда ўқиб, муҳокама қилишлари, бир сўз билан айтганда эса биз "Кексалик – бекорчилик эмас", деган шиорга амал қилиб, иш юритамиз, дея фикрларини билдириб ўтди.

Зиёрат сўнгида пойтахтлик нуронийлар бир пиёла чойга таклиф этилиб, санъаткорлар томонидан ижро этилган дилбар куй ва қўшиқлар барчага янада кўтаринки кайфият бахш этди. Нуронийлар Самарқанд зиёратидан бир олам таассуротлар ҳамда бугунги кунларга шукроналик билан қайтишди.

Гулчеҳра КАРИМОВА
СУРАТДА: тадбир қатнашчилари

"MICROSOFT" МУТАХАССИСЛАРИ ТОМОНИДАН СЕМИНАР

Пойтахтимизда "Microsoft" компанияси мутахассислари томонидан Халқ таълими вазирлиги ва унинг таркибидаги ташкилотлар ходимлари учун "Project Management Resource Kit" (PMRK) мавзусида семинар ўтказилди.

Мазкур тадбир Президентимизнинг 2018 йил 5 сентябрдаги "Халқ таълими тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш, таълим соҳасини такомиллаштириш, тизимга замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш мақсадида ташкил этилди.

Ушбу семинарни Буюк Британиянинг "Hable Education" таълим соҳасидаги IT-консалтинг компанияси мутахассислари Сара Манн ва Гарри Трейнор олиб боришди. Семинар мавзуси "Project Management Resource Kit" (PMRK) деб номланиб, бу таълим соҳасидаги мутахассис ва раҳбарларга катта лойиҳаларни самарали тарзда амалга оширишда ёрдам беради.

Ҳозирги кунда Буюк Британияда лойиҳаларни бошқариш учун "de facto" стандарти кенг қўлланилмоқда. Ушбу стандарт таълим соҳасини технологиялар орқали марказлаштириш ва давлат секторини кенг миқёсда ишлашга ёрдам беради.

Семинар халқ таълими соҳасида амалга оширилиши керак бўлган режаларни келажакда қандай натижа бериши таҳлилини яратиш, ҳаётга қандай татбиқ этиш, лойиҳаларнинг бошқарув тузилмасини тузиш ҳақида олиб борилди. Тренерлар эса шу каби вазифаларни PMRK программаси орқали қандай амалга ошириш ва фойдаланишни кўрсатиб берди. Бундан ташқари, жаҳон тажрибасидан энг яхшилари намуна сифатида кўрсатилди.

Семинарнинг биринчи куни мижоз, MSнинг локал гуруҳлари ва PMRK билан ишлаш, контекст созланмалари ва тузилмалари, PMRKнинг йўналишлари, мавжуд имкониятларни бошқарувга тўғри йўналтириш мавзуларида бўлиб ўтди. Тадбир амалий тарзда ўтказилди. Семинар давомида топшириқлар берилиб, сўнгида муҳокама қилинди.

Семинарнинг иккинчи кунида логика, тузилиш тақсимоти стратегияси, мактабга тайёргарлик, педагогикада профессионал ривожланиш ва рақамли контент, Microsoftнинг таълим учун яратилган сўнгги технологиялари ҳақида сўз юритилди. Бундан ташқари, маълумот ва технологик топшириқ, режа ва жавобгарлик, лойиҳаларнинг бошқарув тузилмасини тузиш ва шу каби керакли маълумотлар берилди.

Тадбир сўнгида иштирокчиларга сертификатлар берилди. Келажакда бу каби лойиҳалар яна давом этишига, ўтказилиш доираси кенгайтирилишига келишиб олинди. Иштирокчилар семинардан ўрганган билимларини халқ таълими соҳасида қўллашларини айтиб ўтдилар.

Зиёда РАСУЛОВА

Хабарлар

ЯНГИ КОНЦЕПЦИЯ ЛОЙИҲАСИ ТАЙЁРЛАНМОҚДА

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва "Тошшаҳартрансхизмат" АЖ томонидан "Пойтахт жамоат транспортини ривожлантириш бўйича 2030-йилгача мўлжалланган концепция" лойиҳаси тайёрланиши белгиланган.

Хусусан, бу борада хорижнинг тажрибали мутахассислари билан учрашувлар ташкил этилиб, уларнинг таклифлари ўрганиб келинмоқда.

Концепция лойиҳасини тайёрлаш юзасидан, "Тошшаҳартрансхизмат" АЖ раҳбарияти Россиянинг "МосгортрансНИИпроект" ва "А+С Транспроект" ташкилотлари вакиллари билан учрашув ўтказди. Музокаларда Тошкент шаҳри жамоат транспортини ривожлантириш бўйича режалаштирилаётган лойиҳалар, тизим фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар муҳокама этилди.

"МосгортрансНИИпроект"нинг транспорт тизимини таҳлил қилиш ва ривожлантириш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Евгений Пронин истиқболли лойиҳаларни биргаликда амалга оширишдан иккала томон ҳам бирдек манфаатдор эканлигини таъкидлади. Шунингдек, Евгений Пронин Москванинг транспорт соҳасидаги тажрибаси билан ўртоқлашиб, ўзининг бир қатор таклифларини билдириб ўтди.

ЙЎЛОВЧИЛАРГА ҚУЛАЙЛИК

Транспорт қатнови фаолиятини яхшилаш ва йўловчиларга қулайлик яратиш мақсадида, "3-Автобус саройи" МЧЖ томонидан Юнусобод 6 мавзе – 1-Қорасув оралиғидаги 149-йўналишга ISUZU SAZ LE-60 русумли автобуслар қатнови йўлга қўйилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги
Матбуот хизмати

"ЁШ РАҲБАРЛАР АКАДЕМИЯСИ" ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Тошкент шаҳар Ёшлар марказида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи "Ёшлик" талабалар шаҳарчасида ташкил этилган "Ёш раҳбарлар академияси"нинг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Унда ёшларга мазкур академияда олиб бориладиган ўқув курслари ҳақида батафсил маълумотлар бериб ўтилди.

– "Ёш раҳбарлар академияси"да ўқув курслари 2 ой давом этади ҳамда ўқув курси якунида тингловчиларга махсус сертификатлар тақдим этилади, — дейди Ўзбекистон ёшлар иттифоқи "Ёшлик" талабалар шаҳарчаси Кенгаши раиси Ў.Маҳкамов. – Академияни муваффақиятли тамомлаган талабалар давлат бошқарув органларига ишга тавсия этилади. Ўқув курсларида ёшларда раҳбарлик маҳорати, бошқарув психологияси, раҳбар имижи, етакчилик этикаси, молиявий ва кадрларга оид ҳужжатларни тўғри юритиш каби мавзуларда машғулотлар олиб борилади.

"Ёш раҳбарлар академияси" ёшларда раҳбарлик маҳоратини ошириш, уларни ватанпарварлик ғояси асосида раҳбарликка тайёрлаш, улар билан боғлиқ муаммоларни ўрганиш ва таҳлил қилиш ҳамда ушбу муаммоларни бартараф этишга хизмат қилади.

Анатолий КЕЧИН

ЎЗБЕКИСТОНДА "БАХТ МАКТАБЛАРИ" ФАОЛИЯТ БОШЛАЙДИ

Ўзбекистоннинг турли ҳудудларида жойлашган 14 умумтаълим мактабининг ўқитувчи ва психологлари ўсмирлар ва уларнинг ота-оналари билан ишлашда замонавий психологик ва педагогик технологияларга бағишланган семинар-тренингда иштирок этиш учун Тошкентга ташриф буюрди.

Айнан улар учун Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги томонидан БМТнинг Гиёҳванд моддалар ва жиноятчиликка қарши курашиш бошқармаси билан ҳамкорликда уч кунлик ўқув курси ишлаб чиқилди. У ўз ичига БМТнинг Гиёҳванд моддалар ва жиноятчиликка қарши курашиш бошқармасининг "Мустаҳкам оила" дастури бўйича тренингни қамраб олган бўлиб, ўқувчилар билан ишлашни яхшилаш, ўқитувчиларда ижтимоий-психологик кўникмаларни ривожлантириш, ота-оналар билан самарали мулоқот қилиш масалаларида халқ таълими мутахассисларининг педагогик компетентлигини оширишга йўналтирилган. Шунинг учун янги лойиҳа "Бахт мактаблари" деб номланди.

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги маълумотларига кўра, "Бахт мактаблари" лойиҳасида иштирок этиш учун мамлакатимизнинг ҳар бир вилоятидан биттадан синов мактаби танлаб олинди. Амалга оширилаётган лойиҳанинг иккинчи босқичида ўзининг касбий маҳоратини ошириш учун Тошкентга келган 70 нафар педагог танланди. Улар олдида мураккаб вазифа – бор-йўғи уч кун ичида ўқитувчилар, ўқувчилар ва уларнинг ота-оналарини руҳлантириш, уларнинг фаолияти, ўқиши ва ҳаётини бахтга тўлдиришга ўргатиш каби вазифа қўйилди. Бу масалада уларга малакали чет эл ва маҳаллий психологлар ёрдам берди.

Ўсмирларнинг мактаб қоидалари ва тартибларига амал қилиши, ўқувчилар ўртасида шафқатсизлик ва зўравонлик, жиноятчилик ҳаракатлари профилактикаси ва уларнинг олдини олишни рағбатлантириш услубларини кўриб чиқиш тренингнинг муҳим йўналишларидан бири бўлди. Мутахассислар мактабда тақиқланган зарарли одатларга қарши курашиш соҳасидаги сўнгги тадқиқотларни алоҳида муҳокама қилдилар. Бу йўналишда муҳим ижтимоий институт сифатида оиладаги психологик муҳитни яхшилаш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Демак, педагог иши нафақат муайян ўқув фанларидан сабоқ бериш, балки муҳим оилавий қадриятларни мустаҳкамлашга ҳам қаратилган бўлиши шарт.

Янги билим ва кўникмаларга эга бўлган мутахассислар ўз мактабларига қайтади. У ерда улар ёрдамга муҳтож оилалар ва феълатворида айрим муаммолар мавжуд ўсмирлар учун етти ҳафталик тренинглар ўтказади. Шу билан бирга "Ўз устида ишлаш куни" доирасида синов мактаблари мутахассислари мамлакат бўйлаб ҳамкасблари билан жамоада ва ёшлар билан ишлашда стрессга чидамлиликка доир тажриба ва билимлари билан ўртоқлашади. Шу орқали улар уч кунлик семинар доирасида эга бўлган билимларини амалиётда мунтазам қўллашлари мумкин бўлади. Сўнгги икки йил ичида БМТнинг Гиёҳванд моддалар ва жиноятчиликка қарши курашиш бошқармасининг "Мустаҳкам оила" дастури Тошкент шаҳрининг 19 та мактабида муваффақиятли амалга оширилиб, ижобий натижалар берганини таъкидлаш зарур.

Якуний босқичда "Бахт мактаблари" лойиҳасини кенгайтиришнинг "йўл харитаси" ишлаб чиқилиб, Ўзбекистоннинг турли ҳудудларида шундай мактаблар негизида мураббийлар учун уч кунлик босқичма-босқич тренинглар ўтказилади.

Роман БОНДАРЧУК,
ЎзА мухбири

Бугун пойтахтимиз кўчаларида автомашиналарнинг кўплиги йўл ҳаракати қоидаларига янада ҳушёрроқ бўлишни талаб этади. Бир зум масъулиятни унутсак, йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Қуйидаги воқеа ана шу ҳақда.

ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ҚОИДАЛАРИГА АМАЛ ҚИЛИНГ, АКС ҲОЛДА...

Николай Борисов (исм-шарифлар ўзгартирилган) "Chevrolet Optra" русумли автомашинани Чилонзор туманидаги Кичик ҳалқа автомобиль йўли бўйлаб, Дўмбиробод кўчаси томонидан Бунёдкор 2-даражали йўли томонга соатига 72.4 километрдан юқори тезликда бошқариб, светофорнинг қизил чироқ ишорасида чорраҳага кириб келиб, ўз йўналишини Бунёдкор 2-даражали йўли тарафга ўзгартирган Абдували Абдукаримов бошқарувидаги "Cobalt" русумли автомашина билан ўзаро тўқнашув содир қилган.

Тўқнашув натижасида А.Абдукаримов бошқарувидаги "Cobalt" русумли автомашинадаги йўловчи, яъни турмуш ўртоғи Д.Абдукаримова тан жароҳати олиб, Республика Шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш илмий марказига жойлаштирилган.

Суд-тиббий экспертизасининг хулосасига кўра Д.Абдукаримова "ўртача оғир" тан жароҳати олганлиги аниқланган.

Судда аниқланган ҳолатлардан келиб чиқиб, суд судланувчи Н.Борисов "Йўл ҳаракати қоидалари"нинг тегишли бандларини, яъни қизил чироқ ишораси, шунингдек, милтилловчи қизил чироқ ишора ҳаракатланишни тақиқлаши ҳақидаги, аҳоли яшайдиган жойларда транспорт воситалари тезлигини соатига 70 километрдан оширмасдан ҳаракатланиши кераклиги ҳақидаги талабларга риоя қилмай, соатига 72.4 километрдан ортиқ тезликда ҳаракатланиб, светофорнинг тақиқловчи қизил чироғида чорраҳага кириб келган.

Н.Борисов 1990 йили туғилган. У мазкур жиноятни шошиб, йўл ҳаракати қоидаларига амал қилмаганлиги оқибатида содир қилганлиги аён бўлди.

Бу ўринда иккинчи судланувчи А.Абдукаримов ҳам оппоқ эмас. У автомашинани суғурта полисисиз бошқарган.

Светофорнинг яшил ишорасида чапга бурилаётган ёки қайрилиб олаётган рельссиз транспорт воситасининг ҳайдовчиси қарамақарши томондан тўғрига ҳаракатланаётган ва ўнгга бурилаётган транспорт воситаларига йўл бериши шартлиги ҳақидаги талабларга амал қилмагани оқибатида Кичик ҳалқа автомобиль йўли бўйлаб, Дўмбиробод кўчаси томонидан ҳаракатланиб келаётган Н.Борисовнинг автомашинаси билан ўзаро тўқнашув содир қилиб, жабрланувчи Д.Абдукаримовага ўртача оғир шикаст етказилишига сабаб бўлган.

"Йўл ҳаракати қоидалари"нинг тегишли бандида светофорнинг яшил ишорасида чапга бурилаётган ёки қайрилиб олаётган рельссиз транспорт воситасининг ҳайдовчиси қарамақарши томондан тўғрига ҳаракатланаётган транспорт воситаларига йўл бериши шартлиги, трамвай ҳайдовчилари ҳам ўзаро ушбу қоидага амал қилишлари кераклиги, светофорнинг рухсат берувчи ишораси ёнганда ҳайдовчи чорраҳа орқали ҳаракатланишни тугаллаётган транспорт воситалари ва қатнов қисмидан тегишли йўналишда ўтишни тугаллаётган пиёдаларга йўл бериши шартлиги кўрсатилган.

Демак, иккала ҳайдовчи ҳам йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлишида мавжуд қоидаларни менсимаган кўринади.

Суд мажлиси давомида иш ҳолатлари ҳодиса содир бўлган жойга чиқиб кўздан кечирилганида, Дўмбиробод кўчаси томонидан КХАЙ кўчаси бўйлаб ҳаракатланаётган транспорт воситалари учун қўйилган светофор чироқларини кўриш имкониятига эга эмаслиги, фақатгина пиёдалар учун мўлжалланган светофорни кўриш мумкинлиги, мазкур йўналиш бўйича қўйилган светофорнинг тўхташ чизиғи билан Бунёдкор кўчаси ўртасидаги масофа 28,40 метрни ташкил қилиши, Бунёдкор кўчасининг ТДПУ биноси томонидан "Миллий" стадиони томонига ҳаракатланадиган қисмининг КХАЙ кўчаси билан кесишган чорраҳа қисмида ҳайдовчининг юрадиган йўлида жойлашган светофорлар олдида тўхташ чизиқлари мавжуд эмаслиги аниқланди.

Бундан ташқари, ЙТҲ бўлган жойнинг чизмасига кўра, "Cobalt" русумли автомашина ўзи нинг йўналишини чапга ўзгартиргач, Дўмбиробод кўчаси томонидан келган КХАЙ кўчасини Бунёдкор 2-даражали йўли билан кесишган қисмининг 10 метр масофасини босиб ўтган.

Суд ушбу ишни мазмунан кўриб чиқиб, йўл-транспорт ҳодисасини содир этган иккала ҳайдовчига ҳам қонунда белгиланган жазони тайинлади.

Судланувчи А.Абдукаримовга мулкий, маънавий ва бошқа зиённи қоплаш масаласида Ўзбекистон Республикаси ЖПК 304-313-моддалари тартибида фуқаролик суд иш юритуви тартибида мурожаат қилиш ҳуқуқи тушунтирилди.

Хулоса сифатида айтганда, шуни унутмаслигимиз керакки, йўлларда ҳаракатланганимизда доимо ҳушёр, огоҳ бўлмоғимиз бизни турли фалокатлардан асрайди.

Э.ТУРҒУНБОЕВ,
жиноят ишлари бўйича
Чилонзор тумани суди судьяси

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"CAPITAL TRUST INVEST" МЧЖ бошланғич нархи босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган такрорий очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Такрорий очиқ аукцион савдосига аҳциядорлик тижорат "Халқ банки" Юнусобод филиалининг 08.11.2018 йилдаги № 09/599-сонли буюртманомасига асосан АТ "Халқ банки" Юнусобод филиали тасарруфида бўлган Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 18-мавзе, 48-уй манзилида жойлашган умумий майдони 37 кв.м., бошланғич нархи 120 000 000 сўм бўлган № 0392-сонли шохобча биноси ва Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Зарбулоқ кўчаси, 37-уй манзилида жойлашган умумий майдони 32 кв.м., бошланғич нархи 80 000 000 сўм бўлган № 0194-сонли шохобча биноси қўйилмоқда.

Аукцион савдоси 2018 йил 26 ноябрь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Истиқбол кўчаси, 34-уй манзилида бўлиб ўтади.

Юқоридаги кўчмас мулк 2018 йил 26 ноябрь куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2018 йил 11 ва 26 декабрь кунлари соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли "Халқ банки" филиали вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида қатнашиш истагини билдирган талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан кўчмас мулк бошланғич нархининг 15 % дан кам бўлмаган миқдорида закалат пулини "CAPITAL TRUST INVEST" МЧЖнинг АТ "Xalqbank" Юнусобод филиалининг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари лозим: х/р: 20208000900757166001. МФО 00823. СТИР 304 802 952.

Талабгорлардан аризалар қабул қилиш аукцион савдоси санасидан бир иш кун олдин тўхтатилади. Савдо ғолибига аукцион савдоси натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 5 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси имзолаш мажбурияти юклатилади. Кўчмас мулк учун тўловлар амалга ошириш муддати олди-сотди шартномасида сотувчи томонидан белгиланади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Истиқбол кўчаси, 34-уй.

Тел: +99871 236-25-53. www.capitaltrust.uz

Лицензия RR – 0298





Спорт янгиликлари

ШАҲАР ОЧИҚ ЧЕМПИОНАТИДА ЭНГ КУЧЛИЛАР БЕЛЛАШДИ

Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан Қибрай туманида жойлашган "Роҳат" картодромида автоспортнинг картинг спорт тури бўйича Тошкент шаҳар очиқ чемпионати ва биринчилиги мусобақаси ташкил этилди.

Мазкур мусобақада Қозоғистон, Қирғизистон республикалари ҳамда Тошкент, Сирдарё, Наманган вилоятлари ва Тошкент шаҳри спорт клублари спортчиларининг иштироки уни янада қизиқарли беллашувлар остида ўтишига сабаб бўлди. "Ватанпарвар" ташкилоти Тошкент шаҳар Кенгаши ташаббуси билан "Бектемир Ўқув спорт техника клуби" ва "Яшнобод Ўқув спорт техника клуби" унитар корхоналари ташкилотчилигида ўтказилган мусобақада 30 нафар вояга етмаган ёш спортчи, улардан 4 нафари қизлар ва 40 нафар 18 ёшдан катта бўлган спортчи иштирок этди.

Низом шартларига кўра мусобақалар "Микро-50", "Мини-60", "125-YU", "125-K", "KF", "KZ", "125 M" ҳамда "250" синфларида бўлиб ўтди.

Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, уларнинг спортнинг техник ва амалий турларига кенг жалб этиш мақсадида ўтказилган ушбу спорт мусобақасида иштирокчилар ўз жамоалари ва клублари шаънини ҳимоя қилиш учун астойдил ҳаракат қилдилар. Ёшларимизнинг олий ўрин учун бор кучларини ишга солиб, маррага биринчи бўлиб етиб келишга ҳаракат қилишлари бунинг яққол далилидир.

Ташкилот томонидан бундай спорт мусобақаларининг ташкил этилиши, айниқса, бу мусобақаларда қизларнинг иштирок этаётганлиги, мазкур спорт турларига бўлган қизиқиш ортаётганлиги ва янада ривожланиб, оммалашиб бораётганлигидан далолат беради.

Натижаларга тўхталадиган бўлсак ёшлар ўртасида "Микро-50" синфидан Зуҳриддин Зоиржонов, "Мини-60" синфидан Кристина Щипкова ва "125-YU" синфидан Камил Темиргалиевлар 1-ўринга лойиқ кўрилди.

Катталар ўртасида эса "125 M" синфидан 1-ўринни Максим Ущека банд этди. "KZ" синфидан Джамол Мирхасилов 1-ўринни, "250" синфидан Николай Саев олий ўринни забт этди.

Жамоавий босқичда "ТБТМ" – 1-ўрин, "Яшнобод ЎСТК" 2-ўрин, Ангрен автомактаби 3-ўринни эгаллашди.

Картинг спорт тури бўйича Тошкент шаҳар очиқ чемпионати ва биринчилиги мусобақаси ғолиб ва совриндорларига тантанали равишда "Ватанпарвар" ташкилоти "Бектемир ЎСТК" ҳамда "Яшнобод ЎСТК" унитар корхоналари томонидан диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Зарина РУСТАМОВА

Аввал хабар қилганимиздек, пойтахтимизда 11 ноябрь куни эркаклар ўртасида қиличбозликнинг шпага тури бўйича халқаро "Сателлит", 17-18 ноябрда эса ўсмир-қизлар ўртасида қиличбозликнинг сабля тури бўйича жаҳон кубоги мусобақалари ўтказилади. Кеча ушбу мусобақалар олдидан матбуот анжумани ўтказилди.

ТОШКЕНТ ҚИЛИЧБОЗЛИК МУСОБАҚАСИГА МЕЗБОНЛИК ҚИЛАДИ

11 ноябрда бўлиб ўтадиган халқаро "Сателлит" мусобақасида Ўзбекистон, Тожикистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон, Индонезия, Покистон давлатларидан 32 нафар спортчи иштирок этади. Унда Россия, Сербия, Австрия, Қозоғистон, Эрон ва юртимиз вакилларидан иборат мутахассислар ҳакамлик қилади. Ушбу турнирда юртимиз шарафини 13 нафар қиличбоз ҳимоя қилади.

17-18 ноябрда ўсмир-қизлар ўртасида бўлиб ўтадиган қиличбозликнинг сабля тури бўйича жаҳон кубоги мусобақасида 10 га яқин Осиё ва Европа мамлакатлари терма жамоалари, қиличбозлик бўйича 20 дан ортиқ миллий федерациялар раҳбарлари ва вакиллари, 40 нафарга яқин спортчилар ҳамда уларнинг мураббийлари иштирок этиши кутилмоқда.

Қувонарлиси эса, ўсмир-қизлар ўртасида сабля бўйича жаҳон кубоги мусобақасида Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари совринли ўринлар учун кураш олиб бориши кутилмоқда.

Шуни ҳам айтиш керакки, мазкур мусобақаларда муваффақиятли қатнашиш қиличбоз спортчиларга қўшимча рейтинг балларини олиш имконини беради.

Анжуманда айтилишича, халқаро "Сателлит" ва жаҳон кубоги мусобақалари Ўзбекистонда биринчи марта ўтказилмоқда. Шуни инобатга олган ҳолда Ўзбекистон қиличбозлик федерацияси томонидан ушбу халқаро мусобақаларни юксак савияда ўтказишга катта тайёргарлик кўрилди. Халқаро мусобақаларнинг барча иштирокчиларини Тошкентда яшаши, машқлар ўтказиши учун барча қулайликлар яратилган, уларнинг маданий ҳордиқ чиқаришлари учун дастур ҳам тайёрланган.

Эслатиб ўтамиз ҳар иккала мусобақа ҳам Гимнастика бўйича республика ихтисослаштирилган Олимпия заҳиралари болалар-ўсмирлар спорт мактабида бўлиб ўтади.

Абдуалим САЛИМОВ

ЁШЛАР ЎРТАСИДА ЖАҲОН РЕКОРДИ ЯНГИЛАНДИ

Туркманистон пойтахти Ашхобод шаҳрида оғир атлетика бўйича жаҳон чемпионати давом этмоқда.

Мусобақада 61 кг. вазн тоифасида эркаклар ўртасида "А" гуруҳи баҳслари ўтказилди. Ушбу вазнда юртимиз шарафини Адҳамжон Эргашев ҳимоя қилди. Ҳамюртимиз мусобақада даст кўтаришда 136 килограмм, силтаб кўтаришда эса 157 килограмм тош кўтарди. Умумий ҳисобда 293 кг. натижа кўрсатган Адҳамжон жаҳон чемпионатида олтинчи ўринни эгаллади.

Даст кўтаришдаги 136 кг. натижа орқали 19 ёшли ҳамюртимиз ёшлар ўртасидаги рекордни янгилади. Полвонимиз ушбу натижани катталар ўртасидаги мусобақада қайд этган бўлсада, жаҳон чемпионатида бундай тоифадаги рекордлар ҳам алоҳида инобатга олинади.

Эргашев шу йил Тошкент шаҳрида ўтказилган ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида даст кўтаришда 135 килограмм, силтаб кўтаришда 160 килограмм, умумий ҳисобда 295 кг. натижа билан жаҳон чемпиони бўлганди.

Шу ўринда мухлисларимизни қизиқтираётган яна бир маълумотни эслатиб ўтмоқчимиз. Мусобақада ғолиблик учун асосий даъвогар ҳисобланган спортчиларимиз Руслан Нуритдинов (-109 кг.) ва Рустам Джангабаев (+109 кг.) мос равишда 9 ва 10 ноябрь кунлари супачага чиқади.

Ботир ХЎЖАЕВ

БАРЧА УЧУН ТЕНГ ИМКОНИЯТЛАР

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда алоҳида эҳтиёжли шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш масалаларига бағишланган халқаро семинар ташкил этилди.

Унда юртимизнинг мазкур соҳага оид мутахассис ва экспертлари, жамоат тузилмаларининг вакиллари билан бирга халқаро ташкилотлар, хорижий давлатлардан мутахассислар ҳам қатнашди.

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари Э.Боситхонова, ЮНИСЕФнинг юртимиздаги ваколатхонаси раҳбари С.Грауманн ва бошқалар ногиронлиги бўлган шахсларга доир долзарб масалаларни ҳамжиҳатликда ҳал этишда бу каби семинарлар муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

Ўзбекистонда фуқароларнинг барча қатламларини аниқ ва манзилли, кучли ижтимоий ҳимоялаш, айниқса, алоҳида эҳтиёжли шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш масаласига доимий эътибор қаратилмоқда. Бош қомусимизда бу борадаги ҳуқуқий кафолатлар аниқ ва қатъий тарзда белгилаб қўйилган.

Президентимизнинг 2017 йил 1 августдаги "Ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармойиши ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, тиббий-ижтимоий ёрдам бериш тизимини янада такомиллаштириш, ногиронларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш, таълим олиш ва ишга жойлашишда уларга ҳар томонлама кўмаклашишга оид ишларни тизимли тарзда ташкил этишда муҳим ҳуқуқий асос бўлмоқда.

Унга кўра, ногиронлар ҳуқуқларини таъминлаш соҳасидаги умумэътироф этилган нормалар ва стандартларни, шунингдек, халқаро ташкилотларнинг тавсияларини ўрганиш, тиббий-малакавий комиссиялар ва тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш, ногиронларни ижтимоий реабилитация қилиш, уларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш, шунингдек, малакасини ошириш, ногиронларни иш билан таъминлашга доир ишлар аҳволини таҳлил қилиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

– Бугунги кунда ногиронликка оид масалалар барча мамлакатларни ўйлантираётган муаммолардан, – дейди Россиянинг Г.Альбрехт номидаги ногиронлар реабилитацияси илмий федерал марказининг реабилитация ва абилитация институти директори Оксана Владимирова. – Ушбу семинарга ногиронликка оид тегишли қарорлар қабул қилишга қодир бўлган вазирлик ва идоралар билан бирга жамоат тузилмалари, олимлар, экспертлар жалб этилгани эътиборга молик. Табиийки, мазкур тадбирда ЮНИСЕФ, БМТ, БМТнинг Тараққиёт дастури каби халқаро ташкилотлар мутасаддилари иштирок этаётгани бу борадаги илғор ёндашув, тажриба ва тенденцияларни атрофлича таҳлил қилиш имконини беради. Юртингиздаги жамоат ташкилотлари, айниқса, ёшлар ҳам ушбу масалага фаол муносабатда бўлаётгани таҳсинга лойиқ. Ўзбекистонга келган ҳар бир хорижлик меҳмон унинг тарихи, маданияти, анъаналари билан батафсил танишишни истайди. Шу маънода семинар дастуридан Самарқанд шаҳрига ташриф кўзда тутилгани диққатга сазовор.

Уч кунлик семинарда алоҳида эҳтиёжли шахслар учун меҳнат ва бандлик, ижтимоий ҳимоя ва хизматлар, сиёсий ва ижтимоий ҳаётни қўллаб-қувватлаш, очиқ ва мақбул туризм каби масалалар атрофлича муҳокама этилади.

Иштирокчилар қадимий ва ҳамиша навқирон Самарқанд шаҳрига саёҳат қилиш имконига эга бўлади.

Н.УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

ҚУВОНЧИ КЎПГА ЧЎЗИЛМАДИ

Меҳринисо орзулар оғушида учиб юрган дамлар. Тўйга тайёргарлик ишлари ҳам тугай деб қолди. Тиббий кўрик учун ОИТСга топширган текширув жавоби чиққач, Азамат билан никоҳдан ўтади.

Афсуски, қизнинг қувончи кўпга чўзилмади. Текширув натижаси Меҳринисонинг организмида ОИТС борлигини кўрсатди. Унинг кўзига дунё қоронғу бўлиб кетди. Тарбияли, худа-беҳуда остона ҳатлаб кўчага чиқмаган бу фариштадек қизга бедаво дард қаердан илашди? Фарзандларини ёлғиз ўзи катта қилган шўрлик онанинг оҳи юракларни ларзага солди. Қизининг бокиралигини билса-да, қариндош-уруғ, қўни-қўшнилар, айниқса, қуда-андалар олдида ким деган одам бўлади? Фарзандининг саломатлиги-чи? Чамаси икки йил аввал қизи кўричак бўлиб касалхонага тушгани ёки яқин ҳудуддаги хусусий клиникада тишини олдирганини кимга ҳам тушунтира оларди. Ўйлаб топилган сафсата, баҳона деб ўйлашлари аниқ. Бундай вазиятда тўй қолдирилиши табиий...

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотига кўра, ҳозирги кунда дунёда тахминан 34 миллион киши ОИВ инфекциясига чалинган. Ҳар йили улар сафига яна 2 миллиондан ошиқ одам қўшилмоқда.

Мамлакатимизда ҳам бундай касалликка чалинган беморлар йўқ эмас. Улар сони йилдан йилга кўпаяётгани эса ташвишланарли ҳолат. Аслида ОИТС/ОИВ инфекциясининг юқиш ёки юқмаслиги тиббий маданият ва саводхонликка боғлиқ. Аҳолининг саводхонлик даражаси қанча юқори бўлса, бу касалликнинг юқиш эҳтимоли ҳам шу қадар камаяди.

Шу боис, Тошкент шаҳар ОИТСга қарши кураш марказида ўқувчи-ёшлар ўртасида "ОИВ инфекциясига қаршимиз" шиори остида тадбир ташкил этилди. Президентимизнинг 2018 йил 25 январдаги "Ўзбекистон Республикасида одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик тарқалишига қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросига мувофиқ ўтказилган тадбирда мутахассислар маслаҳатлари тингланди, болалар бадиий жамоаларининг чиқишлари намойиш қилинди, викторина ўйинлари ўйналди. Ушбу касалликка қарши курашиш борасида мамлакатимизда амалга оширилаётган чора-тадбирлар хусусида сўз юритилди.

– Касалликнинг онадан болага юқиш эҳтимолини камайтириш мақсадида юртимиздаги барча ҳомиладор аёлларда ОИВ инфекцияси бор-йўқлиги текширилади, – дейди ЎзА мухбирига Тошкент шаҳар ОИТСга қарши кураш маркази бош шифокори Венера Баратова. – Ҳомиладор аёлларни тест синовидан ўтказишнинг муҳим жиҳати ОИВ инфекциясига чалинган онадан соғлом фарзанд дунёга келишига эришишдир. Касалликка чалинган ҳомиладор аёл ҳомиланинг 24-ҳафтасидан бошлаб антиретровирус дори-дармонлар билан таъминланади. Гўдак сунъий йўл билан дунёга келтирилиб, унга сунъий озуқа бериб, касалликдан ҳимоя қилинади. Мана шу кўрсатмаларга амал қилинса, ОИВ инфекцияси бўлган ота-онадан соғлом фарзанднинг дунёга келиш имконияти 95 фоизгача ортиши мумкин.

Меҳринисонинг тақдирини айтсам, Азамат бечора қизни шу аҳволда ташлаб кетмади. Аксинча, ўзини қўлга олди ва ички овозига қулоқ солди. Кўнгил қўйган инсони бадном бўлишига йўл қўймади. У ҳақиқий маънода жасорат кўрсатди. Отаонаси, ака-укаларининг қаршилигига қарамай, Меҳринисо билан никоҳдан ўтди. Рафиқасини дамбадам махсус шифохонада даволатиб юрди. Кўп ўтмай, улар шифокор тавсиясига амал қилган ҳолда фарзандли бўлди. Аммо ҳали ҳам Меҳринисонинг танасида ўша бедаво дард – ОИТС бор...

Моҳигул ҚОСИМОВА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Олмазор тумани "Ягона дарча" маркази томонидан 2017 йил 19 апрелдаги 503674-реестр тартиб рақами билан Олмазор туман, Қорақамиш 2/4, 47А-уй, 5-хонадонда рўйхатдан ўтган "QIBRAY YOG`-MOY" масъулияти чекланган жамияти (СТИР 304841730, КТУТ 27095046) таъсисчининг 08.11.2018 йилдаги №01-сонли қарорига асосан

ТУГАТИЛАДИ

Эътирозлар эълон нашр қилинган кундан бошлаб 2 ой муддат ичида қуйидаги (98) 365-77-76 телефон орқали қабул қилинади.

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **10 ноябрь** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси 3-5 даража, кундузи – 12-15 даража илиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **10 ноябрда** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: (0-371) 233-28-95, факс: (0-371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г- 1135

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 4268 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2.

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

Босишга топширилди: 14.15

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

12345